









**Имрон ибн Хусойн** розияллоҳу анҳу бемор бўлиб, ўттиз йил тўшакка михланиб қолганлар. У зот ўринларидан туролмас, таомланиш, қазои ҳожат ҳам ётган ўринларида бўларди. Бундан ҳеч қачон нолимас, сабр билан Аллоҳдан ажр-савоб умид қилардилар. Бир куни олдиларига инилари Аъло кириб, ҳолатларини кўриб, йиғлай бошлади. Имрон ибн Хусойн: “Нимага йиғлаяпсан?” У: “Мен сизни мана шу оғир ҳолатда кўрганимдан йиғлаяпман” деди. У зот: **“Йиғламагин, Аллоҳ менга яхши кўрганини мен ҳам яхши кўраман. Сенга бир нарсани айтаман, шояд сенга ҳам манфаат берса. Буни вафот этгунимча бировлардан яширгин. Фаришталар келиб мени зиёрат қиладилар. Мен у билан хурсанд бўламан. Улар салом берадилар, мен саломларини эшитаман”** деди.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: “Имрон ибн Хусойн вафотидан аввал фарзандларининг оналарига “Ким (вафотимдан кейин) менга додлаб йиғласа унга васият йўқ” деган”.

????????? ?????? ?????????? ????? ??????

[1] ????? ??????????. ??-????? ?? ??????. 7/55,56.